

Вазирлар Маҳкамасининг «Саноат теракчилиги ва бошқа тез ўсувчи ёғочбоп дарахтларни кўпайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори халқ ҳўжалиги ва аҳолини ёғоч тахтага бўлган эҳтиёжини қондиришда муҳим аҳамият касб этади.

Султон бобо субҳидамдан дарахтзор оралишни қанда қилмайди. Ёши 80 ни қоралаган отахон қарийб ярим асрдан бери ўрмонзор кўйида. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўрмончи, ёшларнинг маслаҳатгўйи Султон Тўраев кўплаб шогирдлар тайёрлади. Ундан иш ўрганган Тохир Юсупов, Самандар Матниёзов, Бекберган Раҳимовлар эндиликда орттирган тажрибалари, билимлари, куч-ғайратларини ўрмончиликни ривожлантиришга бағишламоқдалар.

— Хоразмда азалдан адл гужумлар, тол ва тераклар ўстирилади, — дейди бахтли кексалик гаштини сураётган ўрмончи бобо. — Яшил бойлики кўпайтириш ҳар бир кишининг бурчидир.

Вилоят ўрмон ҳўжалиги бошқармаси жамоасининг аниқ режа асосида иш олиб борганликлари тўғрисида воҳада ўрмонзор майдонлар 68 минг гектардан ошиб кетди. Қум кўчишининг олдини олиш мақсадида ҳар йили минг гектарлаб ихотазорлар барпо қилинапти. Тупроққалъа ҳудудидида Қосим Тиллаев раҳбарлик қилаётган Туямуён ўрмон ҳўжалиги бўлимида

ХОРАЗМ БОЙЛИГИ

саксувулзорлар 30 минг гектарга етказилди.

Хива ва Қақраман ўрмон ҳудудларида гужум, тол, терак дарахтларини кўпайтириш, саксувулзорлар яратишга эътибор қаратилган. Амударё қирғоқларидаги 2000 гектарлик тўқайзорларни сақлаб қолиш чора-тадбирлари қўриляпти. Бу борада ўрмон қоровули Олим Матқўбов, ишчи Йўлдош Қиличев, механизатор Шавкат Матқўбов, Фарҳод Жабборовларнинг хизматлари катта бўляпти.

Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларида оқ ҳамда кўк терак кўп тарқалган. Кейинги пайтда целлюлоза саноатида ишлатиладиган Калифорния тераги ҳам экилмоқда. Бошқармада 50 гектарлик теракзор барпо этилган. Ҳар йили қаламча йўли билан 500 минг дона кўчат етиштирилиб, ҳўжаликлар ва аҳолига етказиб берилляпти.

Теракзорлар барпо қилиш учун сув билан тўлик таъминланадиган унумдор ерлар ажратилиб, кўчатлар парвариши

Тадбиркор кишилар орасида

агротехника талаблари асосида олиб борилляпти. Ҳўжалик ўтган йилни 13 миллион 700 минг сўм даромад олиш билан яқунлади. Шундан 3 мил-

ди, — дея сўхбатни давом эттирди ўрмон ҳўжалиги раҳбари Эркин Раҳмонов. — Қўшимча цех ташкил қилиб, ўн киши иш билан таъминланди. Бошқармада ҳар хил сават, яшик, стол-стул, уй рўзгор буюмлари тайёрланмоқда. Ҳозирга қадар кўплаб ана шундай буюм-

лар ишлаб чиқариляпти.

Шу билан бирга, ўрмончиларни баъзи бир муаммолар қийнаб келяпти. Маҳаллий шароитда кўп учрайдиган терак шираси ҳамда капалаги, барг кемирвучи каби хашаротлар дарахтларга катта зиён етказмоқда. Вилоятдаги «Қорақум» илмий-текшириш маркази ходимлари зарарли хашаротларни йўқотиш учун жиддий шуғуланмоқдалар.

Ўрмончилар марказда тайёрланган кимёвий воситалардан унумли фойдаланиб, зараркундаларга қарши курашни кучайтиришлари лозим бўлади. Атрофи қумликлар билан ўралган, иклими иссиқ Хоразмда теракзорларнинг тобора кўпаяётганлиги бағоят қувончли!

Иззат ҲИКМАТОВ, Болтабой ЭРНАҚСОВ, «Ишонч» мухбирлари.

ҚўШМА КОРХОНАЛАР ХОРИЖ ИШОНЧИ

Президентимизнинг «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантиришни қарғатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони минтақада ҳусусий тадбиркорликни, кичик ва ўрта бизнесни, шунингдек, қорғий инвестиция иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш ҳамда ривожлантиришда айна мудабо бўлди.

Амударё нафақат Оролбўйи, балки мамлакатимизда иқтисодиёти юксалиб бораётган туманлардан. Кейинги икки йил ичида саноат маҳсулотлари ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш бир ярим баравар кўпайди. «Юлдуз» пахта тозалаш ҳиссдорлик жамияти маҳсулотлари 7 та қорғий давлатга жўнатиляпти. Толасининг юқори сифати учун Халқаро сифат ва тақомиллаштириш жамғармасининг «Олтин юлдуз» соврини билан мукофотланган.

Вазирлар Маҳкамасининг «Чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва қўшма корхоналар ташкил этиш бўйича Дастурга ўзгартиришлар киритиш

Ислоҳот инсон учун

тўғрисида»ги қарори асосида қорғий сармоядорлар билан ишлашга алоҳида масъулият билан қаралмоқда. Манғит ип йиғирув ҳиссдорлик жамияти, «Манғит ипаги» қорғонаси, «Қўшчигир» ҳусусий фирмаларига чет эл инвестицияси жалб этилиб, қўшма корхоналар ташкил қилинди.

Манғит ип йиғирув ва тўқув фабрикаси ҳиссдорлик жамияти акцияларининг 51,6 фоизи бултур Республика фонд биржаси томонидан ўтказилган қимматли қоғозлар савдосида сотилди. Савдодан тушган маблағнинг 25 фоизи фабрикага тўлиқ ўтказилди. Қўшма қорғона 2003 йилнинг биринчи қорғидан бошлаб маҳсулот бера бошляпти. «Қўшчигир» ҳусусий фирмаси ўрнига томат пастаси ишлаб чиқарувчи Ўзбекистон-Италия «Оксус» қўшма қорғонаси ташкил этилди. Келажакда жамоода сабзавот шарбати, маъданли сув ва бошқа ичимликлар ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда.

Туманда ҳар йили 170-200 тонна «қумуш тола» қайта ишланади. Бунинг ҳисобга олиб, қорғий сармоядорлари билан сифатли тола тайёрляйдиган «Манғит ипаги» қўшма қорғонаси ташкил этиш ишлари ниҳоясига етказилляпти.

— Юртбошимиз Фармонига асосан ҳудудимизда рўйхатга олинган, фаолият бошлаган кичик ишлаб чиқариш қорғоналари ва микрофирмалар амалдаги ставкаларга нисбатан 50 фоиз қамайтирилган солиқ тўлайдилар, — дейди туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси О.Мадаминов. — Фармонда кўрсатилган қўлайликлар тадбиркорларимиз кучига куч, ғайратига ғайрат қўшди. Айна пайтда давлат рўйхатидан ўтган 686 та кичик ва ўрта бизнес субъектларидан 630 таси ишлаб турибди. Уларнинг 14 таси ўрта, 39 таси кичик қорғоналар ва 577 таси микрофирмалардир.

Тадбиркорлар томонидан 2002 йилнинг ўтган ойларида 173 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди. Ишбилармонларни қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банкларининг маблағлари ҳисобидан 47 миллион 100 минг сўмлик, бюджетдан ташқари жамғармалар томонидан 11,5 миллион сўм кредит берилди. Тумандаги «Элтузар» кичик қорғонасида 16 миллион 260 минг сўмлик қўриқлиш материаллари тайёрланган бўлса, «Манғит» масъулияти чекланган жамияти аҳолига 24 миллион 521 минг сўмлик машиини хизмат кўрсатди. 10 тонна гўшт, 76 тонна сут етиштирган «Ерлапас» фермер ҳўжалиги республика қўриқ-танловида голиб бўлди.

Бироқ, мавжуд кичик ва ўрта бизнес субъектларидан 99 таси айна дамба фаолият кўрсатмаётганлиги ташвишчи ҳолдир. Кичик ва ўрта бизнеснинг ишлаб чиқариш ҳажми қўриқлишда 6,7, саноатда 4,2, савдода 5,1, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштиришда 9,7 фоизни ташкил этади, ҳоло. Яратилган шароит, берилган имтиёزلардан самарали фойдаланиб, тадбиркорликни тараққий эттириш пайти келди.

ЁЛҚИН.

ФЕРМЕР ҲИММАТИ

Шаҳриқондаги «Оқ олтин» қишлоғида қурилган қишлоқ врачлик пункти дастлабки беморларни қабул қилди. Ушбу муассаса қурилишига фермер Х. Мўминов катта миқдорда маблағ ажратди.

— Ҳамқишлоқларим эндиликда туман марказига бориб юрмасдан, шу ерда шифо топаётганидан хурсандман, — деди тадбиркор «Туркистон-пресс» мухбирига. Айниқса кексайганинда йўл юриш малол келаркан.

Саксон ёшли Х.Мўминов раҳбарлик қилаётган «Янги тадбир» фермер ҳўжалиги 44 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, ҳар йили мўл ҳосил олиб келяпти. Ҳўжалик олинган фойдани асосан ижтимоий-ҳимояга муҳтож оилаларга, шунингдек, қишлоқни ободонлаштириш ишларига сарфламоқда.

ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ ЯНГИ ЮТУҚЛАР САРИ ЧОРЛАДИ

Урганч шаҳридаги «Мини» ишлаб чиқариш масъулияти чекланган жамияти бир неча йил аввал аккумулятор батареялари учун зарур бўлган хом ашёни ишлаб чиқара бошлаганди.


— Ушанда етти киши билан фаолият бошлаганмиз, — дейди кичик қорғона раҳбари Арслон Қаландаров. — Кейинчалик жамоамизга етук муҳандис-техниклар ҳамда ишчилар қўшилиб, 40 нафарга яқин киши билан автомашиналарга керак бўлган аккумулятор батареяларини ишлаб чиқармоқдамиз.

Технологиялар борасидаги изланишлар тўғрисида кўплаб ютуқларга эришилаётди. Шу боис кичик қорғона «Ташаббус-2000» республика қўриқ танловида энг яхши тадбиркор деб топилиб, Президент совғаси билан тақдирланган. Тадбиркор Курск, Кузнецк шаҳарлари билан

доимий алоқалар ўрнатган. Ўтган йилда 117 тоннага яқин маҳсулот Россияга сотилди.

Ишчи ва хизматчиларга бепул тушилик ташкил этилган. Улар маҳсул кийим-бош билан таъминланган.

Суратда: ишчилар тайёр маҳсулотни кўздан кечираяпти.



ҲАҚ-ҲУҚУҚИМИЗНИ БИЛАЙЛИК, УНИ ҲИМОЯ ҚИЛА ОЛАЙЛИК

Бугунги кунда қўмита ҳисобида 231 та бошланғич ташкилот бўлиб, улар ўз сафларига 21580 нафар аъзоини бирлаштирган. Иш берувчилар билан 7 та тармоқ битими ва 283 та жамоа шартномалари тузилиб, экспертзадан ўтказилди.

Шартнома ва битимларда асосий эътибор томонларнинг ўзаро мажбуриятлари, масъулиятни мустақамлашга қаратилган. Айниқса, бандлик кафолатлари, техника хавфсизлиги, иш ўринларининг қисқариши масалаларининг ечими қатъий назоратда турибди.

Тармоқнинг молия-иқтисодиёт, банк коллежлари, вилоят статистика бошқармаси, Каттақўрғон туман кенгаши, ички ишлар, ёнғиндан сақлаш бўлими ва бошқа нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда «Конституцияда инсон омили», «Ҳуқуқингизни биласизми» каби мавзуларда тематик мулоқотлар, учрашулар ўтказилмоқда.

Бироқ, айрим туман кенгашлари, вилоят давлат архиви, яқна тартибда уй-жой қурилиши бошқармаларида ҳуқуқий ўқувлар ташкил этилмаган. Бу жойларда қабул қилинган Қонунларни, Вазирлар Маҳкамаси Қарорларини ўргатиш талаб даражасида эмас.

Жамоа шартномалари орқали ходимлари кундалик эҳтиёжларини қондириш учун кўплаб имкониятлар мавжуд. Маса-

ИШДАН НОҚОНУНИЙ БЎЛАТИЛГАНЛАР ЎЗ ВАЗИФАЛАРИГА ТИКЛАНДИЛАР

«Галлабанк» ўзининг фойдасидан 3 фоизини қасаба уюшмалари учун ажратганлиги қувончлидир.

Кам таъминланган, ночор оилаларни ижтимоий ҳимоялаш соҳасида бир қатор тадбирлар амалга оширилди. 91 нафар хотин-қиз республикамизнинг турли сўхатқоғларида ўз соғлиқларини тикладилар. Тармоқ ихтиёрида «Ситора» оромгоҳида ҳар йили мингдан ортққ бола олади. Соғломлаштириш ва болаларни дам олдириш ишларига 22,5 миллион сўм сарфланди.

Фуқаролардан тушган 22-та ариза ва шикоят вақтида қўриб чиқилиб, бажа-

рилиши назоратга олинди. Ноқонуний ишдан бўшатилган Пасдаргом туман аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими ходими О.Мирзаева, «Ватанпарвар» ташкилотига қарашли бирлашган техника мактаби ўқитувчиси Н.Тойировлар ўз лавозимларига тикланди. Қасаба уюшмалари аралашуви билан Жомбой туман

«Тут» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Н.Султонов, Пасдаргом туман «Бешқарамон» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси А.Қаримов, Марказий банк бошқармаси иқтисодчиси З.Саидовларнинг аризалари ижобий ҳал этилиб, ишга тикланди.

Шунга қарамастан Пайарик, Жомбой, Қўшработ туман кенгашлари ва кўплаб бошланғич ташкилотларда жамоа шартномаларининг бажарилишига етарли эътибор берилмаяпти. Кўпчилик ходимлар шартномаларда белгиланган кафолат ва имтиёزلардан хабардор эмас. Хотин-қизлар ва ёшларнинг эҳтиёжлари,

мас экан, қолган барча юксак даъватлар ва чақириқлар қуруқ ва бандларвоз гап бўлиб қолаверади.

Ана шундан келиб чиқиб, қўмитамиз фаоллари, бошланғич ташкилотлар фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янада кучайтирмоқда.

Аъзам ИСОҚОВ, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари Самарқанд вилоят қасаба уюшма қўмитаси раиси.



Суратда: операторлар за-лининг умумий кўриниши. С.ЗУФАРОВ (ЎЗА) олган сурат.

САҲИЙ ҚАЛБ ЭГАСИ

Каттақўрғон шаҳридаги Умар Норов маҳалласида яшовчи Азима Зубайдуллаеванинг номини хурмат ва эҳтиром билан тилга олишади. Бу беҳиз эмас. Мустақиллигимиз шарофати билан яқна тартибдаги тадбиркорликка қўл урган Азима ҳалол хизматлари эвазига орттирган даромад хисобига маҳалла ва мактаб биноларини таъмирлаш ишларига ҳомийлик қилди.

— Ўтган йили, — деди, — маҳалла қўмитаси раиси Омон Ражабов. — Азима Зубайдуллаеванинг ташаббуси билан маҳалламизнинг қирқ нафар аҳолиси бепул Самарқанд ва Бухоро шаҳарларидаги тарихий жойларга саёхатга олиб борилди.

Саҳий қалб эгаси маҳалласидаги кам даромадли оилалар хонадониде бўлиб, уларнинг ижтимоий ахволидан доимо хабар олиб туради.

Х. ШОДИЕВ.

Бор бўл, оқибат!

Жиззах шаҳридаги «Меҳрибонлик уйи» 1994 йили ташкил топган. Унга тажрибали ва жонқуяр муаллима Наталья Павленко раҳбарлик қилади. Сўнгги пайтда тарбияланувчи болаларга давлат томонидан эътибор ва ғамхўрлик анча кўчяйди. Шу билан биргаликда саховатпеша кишилар ҳам ўз саховатларини аяшмаяпти.

НАТАЛЬЯ ПАВЛЕНКО: РАҲМАТ СИЗГА, ЯХШИЛАР!

Мазкур масканда айна пайтда 95 нафар бола тарбияланмоқда. Уларга 19 нафар тарбиячи ва 36 нафар ходим хизмат кўрсатаяпти. Тарбияланувчилар учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Ётоқхоналар талаб даражасида жиҳозланган. Ошхона, дам олиш қонаси, спорт зали ва майдончалари улар ихтиёрида.

«Меҳрибонлик уйи»да тарбияланувчи болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун 7 та тўгарак мунтазам ишлаб турибди. Тикувчилик, моҳир кўллар, гимнастика, хореография, спорт ва мусика тўгаракларида барча болалар жалб қилинган. 15 нафар бола шаҳардаги мусика билим юртига қатнайдди. Наил Уразбахов, Елена Волкова каби тарбияланувчилар шаҳар ва вилоят микёсида ўтказилаётган санъат байрамларида қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаб келишмоқда. Жамоанинг футбол командаси ҳам бор.

Вилоят қасаба уюшмалари ёзги мавсумда тарбияланувчиларни оромгоҳларда соғломлаштиришга ёрдам бериб келишляпти. Мана тўрт йилдирки, улар Зомин туманида жойлашган «Лочин» оромгоҳида 3 ой мобайнида мазмунли ҳордиқ чиқариш-

моқда. Айна кунларда улар мазкур масканда яйраб-қувнаб, шодон дам олишляпти. Бу ерда барча шароитлар яратилган. Вилоят халқ таълими бошқармаси ҳомийлигида катта қўламда таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди.

— Савоб ишга вилоятдаги барча ташкилот, қорғона ва муассасалар, тадбиркор ва ишбилармонлар бош қўшмоқда, — деди тарбия маскани раҳбари. — Вилоят ҳокимлиги ҳамда халқ таълими бошқармаси қўмағи айниқса, катта бўляпти. Улар бу ерга тез-тез келиб, ҳолимиздан хабар олиб туришибди. Шунингдек, вилоят нефт маҳсулотлари қорғонаси, бошқармаси кўрсатаётган саховатли ишлардан беҳад миннатдоримиз. Яхшилар кўп экан, ҳар кунини ўнлаб юртдошларимиз келиб, баҳоли-қудрат мадад қўлини чўзмоқда.

Яқинда 2 миллион 800 минг сўмга 70 та кроват сотиб олинди. 4 та компьютер ёрдамида эса болалар ўз билимларини ошириб бормоқда.

Энг муҳими, болалар меҳр оғушида, асло ёлғиз эмасликларини ҳис этиб яшашмоқда.

Бўрибой НОРҚУЛОВ, «Ишонч» мухбири.

ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ САРИ

Саволингизга ҳуқуқшунос Карим МУХТОРОВ жавоб беради

САВОЛ: II гуруҳ ногиронини вазифасидан озод қилиш тартиби тўғрисида тушунтириш берсангиз.

Шавкат СУЛТОНОВ,
Бухоро вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма кўмитасининг раиси.
Кутлумурод МАТРАСУЛОВ,
Урганч туман марказий шифохонаси касаба уюшма кўмитасининг раиси.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий кўмитаси ўртасида тузилган Келишувга асосан касаба уюшма кўми-

«Ҳар ким қариганида, меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолганида, боқувчисидан жудо бўлганида, шунингдек, қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга. Пенсия, нафақа, ижтимоий ёрдамнинг бошқа турлари турмуш кечиришининг расман белгиланган доирасидан паст бўлиши мумкин эмас».

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддаси.



тасининг розилиги олдидан олинади. Касаба уюшма кўмитасининг розилиги олинган кейингина иш берувчи ходимни Меҳнат кодексининг 100-моддаси, II қисми, 2-банди билан уни бажараётган ишига нолийк деб, вазифасидан озод қилиш тўғрисида бўйруқ чиқаради ва Меҳнат кодексининг 102-мод-

Мамлакатимиз Фуқаролари томонидан конституциявий ҳуқуқдан амалда фойдаланишни таъминлаш мақсадида давлат катта ишлари амалга оширишда, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида аҳолининг иқтисодий заиф қатламларини

сиялар қандай тайинланади?» деб номланган рисоласи ҳам қариялар, катта ёшдаги фуқароларимизга ёрдам бериш мақса-

лик муддат ичида иш стаж ва маоши тўғрисидаги зарур ҳужжатларни расмийлаштириш ҳамда уларни берилган ариза ва ўз тақдимномаси билан бирга ариза истикомат қиладиган туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимига юборилади. Башарти, пенсия тайинлашни сўраб мурожаат этган ходимга пенсия тайинлашга тавсия этиш рад қилинса, унга рад

димларга пенсия тайинлаши масаласида қорхона маъмурияти томонидан тақдимнома ҳамда барча зарур ҳужжатлар тақдим этилган кун, ишламаётган шахслар (шу жумладан, яққ: тадбиркорлар, юридик шахс саналмайдиган деҳқон ҳўжалиги аъзолари) бевосита ариза ва тегишли ҳужжатлар билан туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилган кун

қонунда белгиланган муддат ва тартиблари кўриб, ҳал этилади.

КАНДАЙ ҲУЖЖАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛАДИ?

Пенсияларни тайинлаш учун зарур бўлган ҳужжатлар, уларни тақдим этиш ва расмийлаштириш тартиби Ўзбекистон

ЁШГА ДОИР ПЕНСИЯЛАР ҚАНДАЙ ТАЙИНЛАНАДИ?

дида, уларни ёшга доир (қариллик) пенсия тайинлаш тартиблари, шартлари, пенсия миқдорини аниқлаш, унинг тўланишини амалга ошириш соҳасидаги қонунчилик қоидалари билан умумий тарзда бўлса-да, таништириш, ҳуқуқларидан фойдаланишлари ёрдам беради, деган ниятда уни чоп

етиш сабаблари кўрсатилган ҳолда ёзма ҳабар қилинади. Пенсия тайинлашни сўраб, мурожаат этган шахс маъмурият (бошқарув)нинг пенсия тайинлашга тавсия этишни рад этган қарорига рози бўлмаган ҳолларда (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимига ариза бериши мумкин. Деҳқон (фермер) ҳўжаликлари аъзоларига, яққа тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи шахсларга, бошқа фуқароларга ва уларнинг оила аъзоларига пенсия тайинлаш хусусидаги аризалар бевосита аризаларнинг истикомат жойидаги туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимига берилади. Ижтимоий таъминот бўлимлари пенсиялар тайинлаш масалалари юзасидан тушунтириш ва маълумотлар беришлари, шунингдек, аризага зарур ҳужжатларни олишида кўмаклашишлари шартлиги кўрсатиб ўтилган.

пенсия учун мурожаат қилинган кун бўлиб ҳисобланади. Агар пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлган кундан бошлаб уч ой ичида уни тайинлашни сўраб мурожаат қилинган бўлса, пенсия ёшга доир тўлган кундан бошлаб, бошқа ҳолларда эса ариза берилган кундан бошлаб умрбод пенсия тайинланади.

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сонли қарорига илова қилинган (13-илова) Низомда белгиланган. Ушбу Низомнинг 5-бандига мувофиқ ёшга доир (қариллик) пенсияси тайинлашни сўраб, мурожаат қилинганда аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинмоғи лозим:

АРИЗА РАД ЭТИЛГАНДА БУНДАЙ ҚАРОР УСТИДАН ШИКОЯТ ҚИЛИШ МУМКИНИ?

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 48-моддасида: «Пенсия тайинлаш тўғрисидаги қарор устидан шикоят туман (шаҳар) судига берилиши мумкин» дейилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Процессуал кодексига (26-боби) давлат органлари ва бошқа мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлар ва аризалар бўйича иш юритиш тартиби белгилаб берилган. Ушбу кодекснинг 269-моддасига биноан: «Фуқаро ўзининг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузганидан хатти-ҳаракатлар (қарорлар) устидан бевосита судга ёки бўйсинув тартибда юқори органга, мансабдор шахсга мурожаат қилишга ҳақли.

Бўйсинув тартибдаги юқори орган ва мансабдор шахслар шикоятни бир ой муддат ичида кўриб чиқиши шарт. Агар фуқаронинг шикоятига рад жавоби берилса ёки у шикоят берилган кундан эътиборан бир ой ичида жавоб олмас, шикоят билан судга мурожаат қилиши мумкин».

Шикоят ҳуқуқлари бузилган фуқаро ёки унинг вакили томонидан ҳам берилиши мумкин. Шикоят суд томонидан

а) меҳнат стажини (умумий ва махсус) тасдиқлайдиган ҳужжатлар;

б) иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома.

Булардан ташқари, зарур ҳолларда қуйидагилар ҳам тақдим этилади:

а) бола туғилганлиги ва у саккиз ёшга чалганлиги ҳақида ҳужжат;

б) аризага қарши фарзанди болаликдан ногирон ёки ногирон бола эканлигини тасдиқловчи ҳужжат;

в) аризага уруш қатнашчиси эканлигини тасдиқловчи ҳужжат;

г) давлат муассасаларининг аризага қаршилик (миттилик) касалига чалинганлиги ва гавадга тузилишида мутаносиблик бузилган, пакана эканлиги тўғрисидаги ҳужжат.

Ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан зарур деб топилган ҳолларда бошқа ҳужжатлар ҳам (масалан, давлат муқофотлари, махсус унвонларга эга эканлиги ва бошқа ҳужжатлар) талаб қилиниши мумкин. Юқоридаги ҳужжатларни (меҳнат дафтари ва иш стажини тасдиқловчи ҳужжатлардан ташқари) белгиланган тартибда (нотариал ёки бошқа тартибда) тасдиқланган нусхалари ҳам топширилиши мумкин. Меҳнат дафтари ва иш стажини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларнинг фақат асл нусхаси топширилади.



даси асосида икки ҳафталик оғохлантириш муддатига пуллик компенсация (чунки соғлиги туфайли ўз вазифасини бажаролмайди), 109-моддага биноан эса бир ойлик ишдан бўшатиш нафақаси тўлайди.

Агар ходим ТМЭКнинг «Меҳнатга қобилиятсиз» деган хулосасига мувофиқ вазифасидан озод қилинган бўлса, ходим албатта ўз ишига тикланиши, Меҳнат кодексининг 275-моддасига асосан мажбуран бекор юрган вақти учун ўртача иш ҳақи миқдоридан ҳақ тўланиши, бажараётган ишига нолийклигини аниқлаш мақсадида ТМЭКга хат билан мурожаат қилиниши ва мезнафтарчасига ўз вазифасига тикланганлиги тўғрисидаги тегишли ёзувлар килрилиши зарур.

Меҳнат кодексининг 9-моддасига асосан ходимларни иш берувчининг ташаббуси билан вазифасидан озод қилишда касаба уюшма кўмитаси доимий назоратни йўлга қўйиши шарт.

ПЕНСИЯ ТАЙИНЛАНИШИНИ СЎРАБ, ҚАЕРГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ МУМКИН?

Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 43-моддасида: Ходимларга ва уларнинг оила аъзоларига (боқувчисини йўқотган тақдирда) пенсия тайинлаш тўғрисидаги ариза охириги иш жойидаги қорхона, муассаса, ташкилот маъмурияти орқали берилади.

Жамоа ҳўжаликлари ва бошқа кооперативларнинг аъзоларига ва уларнинг оилаларига пенсия тайинлаш тўғрисидаги ариза жамоа ҳўжалиги (кооператив) бошқаруви орқали берилади.

Маъмурият (бошқарув) ариза тушган кундан эътиборан 10 кун-

ҲУЖЖАТЛАР КАНЧА МУДДАТДА КЎРИБ ЧИКИЛМОҒИ ЛОЗИМ?

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 45-моддасида: «Пенсия тайинлаш тўғрисидаги ҳужжатлар улар тушган кундан эътиборан 10 кундан кечиктирмасдан кўриб чиқилади. Пенсия тайинлаш рад этилган тақдирда ижтимоий таъминот бўлими тегишли қарор чиқарилганидан кейин беш кун ичида қорхона, ташкилот ёки аризага пенсия тайинлаш рад этилгани ҳақида рад этиш сабаблари ва шикоят бериш тартиби кўрсатилган хабарнома беради ёки жўнатди ҳамда ани чогда барча ҳужжатларни қайтаради».

Корхона ва ташкилотларда ишлаб турган хо-

Шарҳловчи минбари

АТОМ РЕАКТОРЛАРИ ВА ТЕРРОР

Стокгольмдаги жаҳон муаммоларини тадқиқ этувчи институт навбатдаги йиллик ҳисоботини эълон қилди. Унга кўра, жорий йилнинг энг долзарб муаммоси атом реакторларининг террорчилик ҳуружидан тўла химояланмаганидир.

Айни пайтда дунёда жами 756 атом реактори мавжуд. Уларнинг нечоғли хавфли эканини изоҳлашга ҳоҳат йўқ. Улардан ноўрн ёки гаразли мақсадларда фойдаланиш, табиийки, оммавий қиргинга сабаб бўлиши мумкин.

Ўтган аср сабоқлари атом энергиясидан эҳтиёткорлик билан фойдаланишни тақозо қилаётир. Чернобил атом электр станцияси, Хиросима ва Нагасаки фожеаларини эслашнинг ўзи қифоя. Минглаб одам ҳалок бўлди, нурланиш

туфайли эса ундан ҳам кўпи бедаво дардга йўлиқди.

Бир пайтлар одамлар атом сўзини эшитиб даҳшатга тушган бўлса, энди террор тушунчаси таҳлика уйғотяпти. Террор маълум маънода атомдан-да дахшатли востига айланб қолди. Швециядаги халқаро институт вакилларининг маълум қилишича, 11 сентябр воқеаларидан сўнг террорчилар бир неча атом реакторига ҳам ҳужум уюштиришни мўлжаллаган экан.

Атом реакторлари янада мустақкам химоя остига олинмас экан, террорчилар улардан ўзининг гаразли мақсадлари йўлида фойдаланиши эҳтимоли сақланиб тураверди. Бунинг устига сўнгги йилларда ядровий материаллар кўп ўғирланяпти ё исзис йўқоляп-

ти. Атом энергияси назорати билан шуғулланувчи МАГАТЭ ташкилотига аъзо мамлакатлар айнан шундан ташвишга тушмоқда. Гап шундаки, ҳозир ядровий материалларни бошқа эритувчи, ишқор моддалар билан аралаштириб қўйбола портловчи мосламалар ясайдиган «устомонлар» ҳам кам эмас. Уларнинг барчасини назоратга олиш эса мушкул.

Хуллас, мазкур институт мутахассислари муаммони белгилаб, беҳиз ташвишга тушмаётганини ҳар томонлама исботлаб берган. Бу эса террор хавфини янада аниқ ҳис этиш, унга қарши ялли курашни изчил давом эттириш зарурлигини аналатади.

Шахноза МАТНАЗАРОВА,
Уза шарҳловчиси.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР! РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Савдолар 19.25 июл кунлари соат 11.30 да Республика Биржалар маркази биносидан ўтказилади.

Савдоларга қуйидаги объект қўйилади:
Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, М. Ашрафий 1-тор кўчасида жойлашган, «Тошкент шаҳар дон қабул қилиш» ОАЖ балансидаги 9-сонли болалар богчаси (кир ювчи хонаси ва ёғи ошхона биноси билан. Умумий майдони 459,3 м².
Бошланғич баҳоси - 6 485 200 сўм.

Танлов савдосидан Болалар богчасини сотиб олишнинг шартлари:
Мақтабгача ва бошланғич мактаб ёшдаги болаларни тарбиялаш ва ўқитишни ривожлантиришга йўналтирилган муассаса ташкил этиш;
Белгиланган фаолият соҳасини камида 5 йил мобайнида сақлаб қолиш;
Богча биноси ва иншоотларини қисқа муддатларда замонавий меъёр ва андозларга жавоб берадиган ҳолда қайта қуриш ва таъмирлаш;
қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини замонавий талаблар асосида жиҳозлаш;
Богча биноси ва иншоотларини қайта таъмирлаш ва жиҳозлашга сарфланадиган сармоялар ҳақини;
Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меъёрий ҳужжатларига асосан, болалар билан ишлаш таълим-тарбиявий концепциясига эга бўлиш;

Мақтабгача ёшдаги болаларга кўрсатиладиган хизматлар тури ва ҳақини;

Хизмат ҳақлари бўйича таклифлар ва имтиёзлар.
қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини ёнгин хавфсизлиги ва санитария талабларига жавоб берадиган ҳолда сақлаш ҳамда унга бириктирилган ҳудудда ободлантириш ишларини олиб бориш;

Сотиб олиш нархи ва тўлов муддатлари бўйича таклифлар.
Тақдим этилган муқарраб конвертлардаги бизнес-режалар 2002 йил 19 июлда (шу кунни харидорлардан етарли даражадаги аризалар тушман тақдирда) 25 июлда Республика Биржалар маркази биносининг 3 қаватидаги мажлислар залида очилади.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР! ИМКОНИЯТИНГИЗИНИ БОЙ БЕРМАН!

10 физиклик гаров пулини тўлаган харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдолар 3 кун олдун тўхтатилади.
Ушбу объектга қизиқиш бор хорижий сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиз Республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.

Манзиллими: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10 уй, Республика Биржалар маркази биноси, 3 қават, 44 хона, Республика Кўчмас мулк биржаси.
Маълумот учун телефонлар: 136 26 26, 136 28 75
Факс: 136 06 17 www.uzkmb. com

Касаба уюшма тадбири

ДЕҲҚОНОБОДЛИКЛАР

мусобақанинг республика босқичида

Деҳқонобод туманида тиббиёт ходимлари ўртасида спорт билан шуғулланиш яхши йўлга қўйилганлиги соҳа ходимларининг мусобақаларнинг туман ва вилоят босқичларида муваффақиятли қатнашишларига имкон яратмоқда.

Яқинда туман Марказий шифохонаси касаба уюшма кўмитаси ташаббуси билан ташкиллаштирилган мусобақаларда голиб чиққан спортчилар вилоят миқёсидаги беллашуларда фаол иштирок этдилар. Чунки, спортнинг 8 тури бўйича ўтказилган мусоба-



каларда Р.Рафикова, Э.Носиров, Н.Хасанова сингари тиббиёт ходимлари чаққонлик ва эпчилликларини намойиш қилдилар.

— 26 нафар вақилимиз мусобақаларда иштирок этишди, — дейди Марказий шифохона касаба уюшма кўмитаси раиси Хуррам Зулфқоров. — Шошилинч тиббий ёрдам бўлими шифокори Эшмурод Носиров миллий кураш баҳсларида бош совринни кўлга киритди.

Умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллаган деҳқонободлик тиббиёт ходимлари тармоқ ходимлари ўртасидаги мусобақанинг республика босқичига йўлланма олдилар.

Ш.СУЛТОНОВ, «Ишонч» мухбири.

Бадий академиянинг марказий кўرғазмалар залида «Дунё рассомлар нигоҳида» мавзусидаги кўрғазма очилди. Унда юртимиз мусаввирларининг уч тасвирий, амалий турлари ва миниатюраларнинг нодир дурдоналарини бутун дунё мавзусидаги кўрғазма очилди. Энди юртимиз мусаввирларининг уч

НОДИР АСАРЛАР

юздан зиёд асари намойиш этилмоқда.

Кўрғазманинг очилиш маросимида таъкидланганидек, юртимиз истиқлолга эришгач, мамлакатимиз дарвозалари жаҳонга кенг очилди. Барча соҳалар сингари миллий санъатимизнинг

Кўрғазмадан Р.Аҳмедовнинг «Италия бўйлаб», У.Арслоннинг «Миср», Б.Назаровнинг «Ганг кизлари», Н.Пакнинг «Тоғ манзараси», В.Ениннинг «Самодан назар» каби картиналари ўрин олган.

(ЎЗА).



ИСТЕЪФО

ЭНГ СЎНГГИ ЧОРАМИ ВА У ЮЗАГА КЕЛГАН АХВОЛНИ ЎНГЛАЙДИМИ?

гуси учрашувни ўйлаб қилган эди, албатта. Аммо бу алмаштиришлардан сўнг ўйин бутунлай ўзгача тус олди. Энди ташаббус ирландлар кўлига ўтди ва улар матч тугашига санокли сониялар қолганда ҳисобни тенглаштиришди.

Хаммаси шундай кейин бошланди. Сал қолди испанлар мuddатида илгари уйлари раваона бўлишларига! Яхши ҳам ёш дарвозабон Икер Касильяс бор экан. У бир неча хавфли вазиятларда термашини муқаррар голдан қутқариб қолди. Иан Харт томонидан амалга оширилган пенальтини бартараф этди. Чакам томонидан қўшиб берилган ўттиз дақиқа ичида, таъбир жоиз бўлса, қора терга тушиб «ер чоғиди». Пенальтилар серияси чоғида эса ҳақиқий қаҳрамонлик кўрсатди.

Бир сўз билан айтганда, шу куни дарвозабон

нафақат Испания терма жамоасини, бош мураббий Комачони ҳам балонкалардан омон сақлаб қола билди.

Афсуски, ҳамма ҳам Касильяс эмас. Мағлубият аламига дучор қилинган қанчадан-қанча жамоалар мураббийлари айна дамларда биринсининг истеъфого чамқоқдалар. Россия термасини 1994 йилдан буён бошқариб келатган Олег Романцев шундай қарорга келганларнинг биринчиси бўлди. Унинг ўрнини ким эгаллаши мумкин? Ушбу хусусда турли тахминлар айтилмоқда. Хар ҳолда номзодлар орасида бизга таниш номлар анчагина: «Локомотив» бош мураббийи Юрий Сёмин, Россия ёшлар термаси устози Валерий Газзаев...

Айни дамларда Уругвай, Нигерия ва Хитой терма жамоалари бош мураббийлари истеъфого чикдилар. Франция термасини бундан икки йил муқаддам Европа

БИРИНЧИ ТАЪМИРЛАШ САНЪАТИ УСТАСИ

рассом Абдулла Йўлдошевни эслаб



...Музей хоналари бўйлаб санъат мухлислари мой бўёқларда акс этган, худди кечагина яратилгандек нафосатга бой экспонатларни завқ ва шавққа тўлиб томоша қилишмоқда. Зеро, юз, икки юз, ҳатто, беш юз йил муқаддам ишланган бу санъат асарлари ҳозирга қадар асл гўзаллигини йўқотмаган. Бунинг сирини шундаки, музейларда санъат асарлари кадрига етувчи, қайта умр улашувчи нозик дидди, малакали таъмирлаш расссомлари фаолият кўрсатади.

Таъмирловчи ҳам рассом. У ҳам худди рассомдек ижод қилади, кези келганда, унинг иши рассомниқига нисбатан ўн қарра масъулиятидир. Бундан ташқари, рангтаъмирларни аслига келтириш жараёнида турли қоғоз хиллари, дағал бўз мато (холст), елим, спирт, балиқ мойи, асал, катта-кичик дазмоллар, наштар-пичоқча, мрамор тошларгача ишлатиладики, улардан бирортаси бўлмаса, тасвирий санъат асарлари аслига қайтмайди.

Таъмирлаш расссомлари ҳақида сўз кетганда, Ўзбекистон Давлат санъат музейида узок вақт ишлаган, биринчи ўзбек таъмир устаси Абдулла Йўлдошев номини фахр билан тилга оламиз. Ростгўйлик, ҳалолликни ёқтирган Абдулла Йўлдошев Тошкент бадий билим юртида рассом бўлиш



йўқолиб бораётгани. Бу ахволдан айниқса музей раҳбари Шамсруй Ҳасанова кўп азият чекарди. Ниҳоят, Маданият вазирлиги томонидан Москвага, таъмирлаш санъати бўйича ўқишга музейдан бир нафар ходим юборилди. Шамсруй Ҳасанова бу муҳим ишни Абдулла Йўлдошевга ишонди, унга ўқиши учун барча шарт-шароитлар яратиб берди. Абдулла ака у ерда таъмирлаш устахонаси раҳбари, академик рассом Игорь Еманулович Грабардан ушбу санъат сирларини ўрганди. Таъмирлаш санъати усталари С.Чураков, В.Филатовлардан мойбўёқ, темпера-рангтаъмирлаш санъат асарларини аслига қайтариш йўллари билиб олди.

Абдулла Йўлдошев 1956 йилдан умрини охиригача музейнинг бош таъмирловчи расссоми бўлиб ишлади. «Қирол Филип III», «Маргарита Австрийская» асарларини қайта таъмирлаши уни дунёга танитди. Шу билан бирга, П.Веронезининг «Исонинг азаси» (XVI аср), номаълум неми рассом томонидан яратилган «Император Рудольф портрети» (XVII), Рембрандинг



«Автопортрет»и (XVII аср), француз расссом В.Мэйленнинг «Қирол Людовик XIV», рус расссомларидан В.Тропинининг «А.Оболенской портрети» (1845 йил), К.Брюлловнинг «Турк аёли» (XIX аср), Д.Доунинг «Генерал П.Давидов» (XIX аср), Ўзбекистон халқ расссоми А.Вольковнинг «Бува билан невар», «Чойхона», шунингдек, Абдулҳак Абдуллаевнинг «Автопортрет - Самбреро қиёфасида», Маннон Саидовнинг «Саводсизликнинг тугатилиши» рангтаъмирларини таъмирлашда Абдулла ака ўзининг юксак маҳоратини намойиш этди. Унинг кенг, ёруғ устахонасига кирган киши, худди бемор каби навбат кутиб турган беҳисоб бадий асарларни кўрарди. Уларнинг бари шикастланган, айримлари эса, ниҳоятда хароб ҳолга келган. Абдулла ака эса уларга қайта кўрк бағишлаш учун тинмай меҳнат қиларди.

Махмуд АХМАДИЙ, Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти илмий ходими.

ИШБИЛАРМОН ЛУҒАТИ

Аваль — вексель бўйича кафилик: вексель эгаси олдида жавобгарлик; векселнинг ўнг бетида ёки унга илова қилинган варақда имзо шаклида ифодаланган банк кафилиги. Ави́зо(итальянча aviso) - банк, тижорат амалиётида бажарилганлиги тўғрисида расий хабарнома бир контрагент томонидан иккинчисига жўнатилади. Ави́зо ёрдамида банклар ўз мижозларини ҳисоб ва рақамлари бўйича кириш ва кредит қайдлари, ҳисоб варақасидаги қолдиқ маблағлар, пул ўтказмаларини тўлаш, чек талабномаси, аккредитив очиш ва бошқа ҳаракатлар

тўғрисида хабардор қилади. Автаркия — юнонча сўз бўлиб, ўз-ўзига етарли деган маънони билдиради. У ўз-ўзини таъминлаш қоида­сига асосланган. Бошқалар билан иқтисодий алоқалардан узилиб қолган биқик ҳўжалик тизими. Агeнт — лoтинчa сўз бўлиб, иш­лайдиган, ҳаракат қиладиган деган маънони бeради. Бирон-бир муас­сасанинг масъул топшириқларини бажарувчи вакили. Савдо агeнти бир ёки бир неча қорхонанинг мах­сулотини шартнома бўйича сотади.

А.АЛИЕВ тайёрлади.

Оғриқ нуқталар

Туман ҳокимининг ўринбосари, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия раиси Ашурбой Қўшаевнинг хонасига бир отахон кириб келди.

— Болаим билиб-билмай жиноят қилиб қўйибди, - деди у умид кўзларини қадаб. - Илтимос, ёрдам берсангиз.

— Болалар «Бола ни бломан, ниҳолни ёшдан асра» деганлар, - деди Ашурбой ака. - Фарзандингизнинг юриш-туришини вақтида назорат қилиш керак эди.

Эрка тутса онаси, талтағди боласи, деб бежиз айтишмаган. 1985 йилда Манғит шаҳрида туғилган, Тошкент шаҳри Ҳамза тумани Мўйноқ тор кўчаси 3-уйда яшовчи Сардор Матёкубов қариндошлариникига меҳмонга келиб жиноятга қўл урди. У Манғит шаҳри Гурлан кўчаси 64-уйда яшовчи фуқаро Ботир Раҳмоновнинг хонадонидан нархи 50 минг сўмлик ДЭУ маркали магнитофонни ўғирлаган. Одил суд жинойи ишни кўриб чиқиб, ўсмирнинг айбига иккунлигини ҳисобга олди ва инсонпарварлик нуқтаи назаридан бир йил шартли жазога ҳукм қилди.

Саёқ юрган таёқ өйди. Ҳали вояга етмаган Арслон Қурбонбоев отаси номидаги ИЖ «Планета» мотоциклини бошқариб бораётганда, йўл ҳаракати қоидаларини кўпол равишда бузади ва рўпарадан келатган КРАЗ машинасига урилади. Оқибатда аравачада ўтирган Ж.Отажонов

ва Р.Қурбонбоевларнинг ўлимига сабаб бўлади. Шошқалоқ ўсмир суд томонидан тегишли жазосини олди. Вояга етмаган Икром-кескин камайди. Бу соҳада «Маҳалла», «Соғлом авлод учун», «Нуроний» жамғармалари, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, меҳнат ва аҳолини иж-

СЎНГГИ ПУШАЙМОН...

жон Қувватов Кипчоқ кўрғонида танишлари Д.Дуйшанов, М.Султонов, М.Матризоев ва Н.Каримовлар билан спиртли ичимлик ичиб, маст-аласт ҳолда фуқаро Ҳ.Йўлдошевнинг 47 минг сўм пулини талончилик йўли билан тортиб оладилар. Тийиб-тийилмаган жиноятчилар қонун олдида жавоб бердилар.

— Туманимизда 142 мингга яқин аҳоли истеъмомат қиладди, - дейди вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия раиси А.Қўшаев. - Шундан 58 минг нафари балоғатга етмаган ўсмирлардир.

Туман прокуратураси, ички ишлар бўлими, кишлок, маҳалла фуқаролар йиғинлари, мактаб, коллеж, лицейлар раҳбарияти билан биргаликда иш олиб борилганлиги туфайли жорий йилнинг ўтган ойларида вояга етмаганлар ўртасида қонунбузарликлар

тимоий муҳофаза қилиш бўлимларини фаолияти анча кучайди. Ўтказилган меҳнат ярмаркаларида 100 дан ортик ёшлар иш билан таъминланди.

Хуқуқ-тартибот ташкилотлари, хотин-қизлар кўмитаси ва бошқа мутасаддилар иштирокда мактаблар, касбухона коллежлари, кишлок ва маҳаллаларда «Сиз қонунни биласизми?», «Ўсмирларни турмушга тайёрлаш», «Конституция ва ёшлар» каби мавзуларда учрашулар, мулоқотлар ўтказилди.

Ёшлик инсоннинг орзу-ҳавасларга тўлган энг гўзал давридир. Жиноят қилиб судланган ва жиноятга мойил ўсмирларнинг тўғри йўлга тушиб олишлари учун профилактика ходимлари билан биргаликда жамоат ташкилотлари, ота-оналар ҳам масъулдир.

И. ИСОМУДДИНОВ.

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 16822632 ОКПО кодли «Ҳикматли нон» очик акциядорлик жамияти

Мулк шаклини «Ҳикматли нон» масъулияти чекланган жамиятга айлантирилади ҳамда низом жамғармасини камайтиради.

Даволат эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Фарход кўчаси, «Ц» квартал.

Маълумот учун телефон: 79-93-97.

ISHONCH

Бош мухаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош мухаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиков, Мирфозил Олимов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибиат 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маълимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Наир кўртакчи: 133; 134. Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сопувда эркин нарҳда.